

МАҲАЛЛА, ОИЛА ВА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ш.А.Буранова – (Мактабгача таълим
методикаси кафедраси ўқитувчиси, ЖДПИ)

Аннотация: Ушбу мақолада жамият тараққиётида оила, маҳалла, мактабгача таълим ташкилоти ҳамкорликда бола таълим - тарбиясини узвийлигини таъминлашнинг ўрни ва беқиёслиги ҳақида фикрлар билдирилди .

Калит сўзлар: оила, маҳалла, ибратли хонадон, таълим-тарбия, ҳамкорлик, узвийлик, баркамол, комил инсон, инсоний фазилатлар, ақлий фаоллик.

Аннотация: В этой статье рассматривается роль и уникальность махалли, семьи, дошкольной образовательной организации в обеспечении непрерывности образования и воспитания ребёнка в развитие общества.

Ключевые слова: семья, махалля, примерный дом, образование, сотрудничество, непрерывность, гармоничный, совершенный человек, человеческие качества, умственная активность.

Annotation:

This article discusses the role and uniqueness of the family, community, preschool education organization in the development of society, ensuring the integration of children's education.

Key words: family, mahalla, exemplary house, education, cooperation, continuity, harmonious, perfect person, human qualities, mental activity.

Ҳар бир ёш даврида бола турли фаолият босқичларини босиб ўтади ва ҳаётий тажрибаси ортиб боради. 6-7 ёшли болада ўйин фаолияти устунлик қилиб, таълим фаолиятига оид мотивлар, эҳтиёж ва қизиқишлар таркиб топа бошлайди. Боланинг мактаб таълимига тайёрлиги тушунчаси уларнинг жисмоний, психологик, ақлий, ахлоқий тайёрлиги билан белгиланади. Хабаримиз борки, айирим ҳудудларида кўп бола мактабгача таълим ташкилотига қатнамайди. Боланинг асосий вақти оила муҳитида бўлганлиги учун ота-онанинг болани мактабга тайёрлашдаги роли бекиёсдир. Ҳар бир ота-онанинг вазифаси фарзандининг ички имкониятларидан келиб чиқиб, табиий уй шароити муҳитидаги воқеа-ҳодисалар жараёнида фарзандига ўқишнинг ақлий меҳнат эканлигини, диққатини, иродасини ишга солиши кераклигини, бундан ташқари ўз хулқини идора этиши, хатти-ҳаракати учун жавоб бериши лозимлигини аниқлаши зарур. Оиладаги соғлом муҳит одамийлик, инсонпарварлик муносабатлари фарзандларнинг руҳий дунёсига ижобий таъсир кўрсатади. Ота-онанинг ўзаро яхши муносабати, меҳрибонлиги, ғамхўрлиги оиладаги фарзандларнинг муносабатлари тўғри шаклланишига ёрдам беради. Болаларни тарбиялашни тўғри ҳал қилиниши тарбия ишининг кўйилишига комплекс ёндиришга, мактабгача таълим ташкилотининг оила ва маҳалланинг тўлиқ ўзаро ҳамкорлиги ва ҳаракатининг бирлигига боғлиқ. Маҳалла, мактабгача таълим ташкилоти ва оиланинг ўзаро алоқаси бола тарбияси масаласида тажриба алмашилиб туриш имкониятини яратади. Мактабгача ёшдаги бола мактаб таълимига тайёр бўлиши учун ундан жисмонан соғломлик, нутқ ва тафаккурнинг маълум доирада ривожланганлиги, шахсида маънавий ва ахлоқий хусусиятларнинг етарли шакланганлиги, мактаб ҳаёти ҳақида тегишли тасаввурларга эга бўлиши талаб этилади. Маҳалла, ота-оналар билан мактабгача таълим ташкилоти ходимларининг биргаликдаги фаолиятини ташкил этиш биргаликда йиллик режа тузишдан бошланади. Бу режа синчиклаб ўйлаб тузилиши керак. Биргаликдаги фаолият керакли даражада амалга ошириладиган жойда ўзаро ёрдам, бир - бирини тушуниш,

топширилган ишга жавобгарлик ҳолати вужудга келади. Болаларни мактабга тайёрлашда зарур бўлган амалий кўникмаларни ўзлаштиришда ота-оналарга ёрдам бериш мақсадида улар учун маҳаллалар қошида педагогларни жалб этган ҳолда қисқа муддатли тўғараклар, маслаҳатхона ташкил этиш лозим. Ота-оналар билан ишлашнинг энг самарали шаклларида яна бири таълим-тарбия жараёнида ота-оналар иштирокини таъминлашдир¹. Болаларнинг мактаб таълимига сифатли тайёрлаш ишининг бутун мураккаблиги, кўп қирралилигини англаш учун ота-оналар мактабгача таълим ташкилотида бўлиб туришлари керак. Маҳалла фаолларининг, ота-оналарнинг, тажрибали педагогларнинг бола тарбияси соҳасидаги илғор тажрибаларини алмашилишга бағишланган кечаларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Давлатимиз келажагини белгиловчи ёш авлод тарбияси олдида турган вазифалардан бири ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялаш ишини тубдан яхшилашдир. Ўзбек оиласи тарихи узоқ-узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ҳатто «Авесто»да ҳам бола тарбиясида оиланинг роли, тутган ўрни, улуғвор вазифалари ҳақида сабоқ берилади. Шунингдек, муқаддас китоблару фозилу фузалоларимиз, донишмандларимиз ўғитларида оила жипслиги софлиги, унинг жамиятдаги мавқеи равшан кўрсатилган. Бугунги кунда ҳар бир оиланинг жамиятда тутган ўрни, ҳаёт мазмуни, миллий қадриятларни ўрганиши инсон маънавиятига хизмат қилади. Бунга эришиш учун авваламбор, маҳаллада ва оилада бола тарбиясини тўғри ташкил этиш, унда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, чуқур билим ва юксак масъулият талаб этади. Маълумки, инсоний муносабатлар оиладан, оила муҳитидан бошланади. Ҳар бир бола оиладаги муносабатларни, вазиятларни ота-она, оиладаги оила аъзоларига тақлид қилиш орқали фикрлайди, хулоса чиқаради. Бундан шу нарса маълум бўладики, оила ўзига –ўзи тарбиячилик вазифасини бажаради. Шундай экан, ушбу омил миллий қадрият сифатида

¹. “Сифатли мактабгача таълим-бола келажагининг пойдевори”Т.: 2014 й 14 б

аждодларимиздан қолган ҳиссий тажриба сифатида ҳаётий тажрибаларнинг ижобий кўриниши бўлиб, миллий менталитетимизнинг ўзига хос бир кўриниши эканлигини унутмаслигимиз зарур. Инсон ҳаёти, жумладан ўсиб улғайиб келаётган навқирон авлод ҳаёти ва фаолиятининг асосий даври маҳаллада ва оилада ўтади. Болаларни мактаб таълимига тайёрлашда мактабгача таълим ташкилоти, оила, маҳалла ҳамкорлиги ташкил этилгани бола биринчи синфга борганида яққол сезилади. Болаларни мактабга тайёргарлиги деганда, авваламбор, руҳий тайёрлик тушунилади: бола мактабга боришни истаяпти, унга мавқеининг ўзгариши ёқяпти, ўйин фаолияти аста-секин ўқишга алмашмоқда, бола диққатни жамлашга ва қоидаларга амал қилишга қодир, болада мактабга мослашишга ёрдам берадиган қатор қобилиятлар шаклланиб бўлиши керак. Одатда етти ёшгача барча болалар бу кўникмаларни эгаллаб олишади, агар болалар баъзи нарсаларни билмаса, мақсадли йўналтирилган машғулотлар ёрдамида уларни ўргатиш мумкин. Миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз ичида бола одоби, хулки, ахлоки, тарбиясига доир урф-одатлар айниқса муҳим ўринга эга. Оилада болаларни юксак фазилатли инсонлар қилиб тарбиялашни ота-она ва кенг жамоатчиликнинг намунаси ибрати ва халқ оғзаки ижоди манбаларни, миллий удумларимиздан тарбия воситаси сифатда фойдаланиш, ёшларни маънавий бой, ахлоқан пок, эътиқоди бутун, тафаккури теран, дунёкараши кенг инсонларни тарбиялашда муҳим самара беради². Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафакат ота-онанинг, балки бутун жамиятимизнинг катта бойлигидир. Инсонни ҳар тамонлама баркамол этиб тарбиялаш башариятнинг азалий орзуси бўлиб келган. Миллий тарбия тизимида оила маънавияти, ундаги ота-онанинг ўрнига аждодларимиз алоҳида эътибор қаратганлар. Бу борада Амир Темур ўзига хос алоҳида мислсиз ўрин эгаллади. Амир Темур ҳукмронлиги йилларида Самарқанд, Хирот шаҳарларида маданият, илми-фан ривожланди.

² Ф.Қодирова ва бошқалар. "Мактабгача педагогика" -Т.: "Маънавият" 2013 йил, 160 б

Сохибқирон одоб-ахлоқ, имон, эътикод, таълим-тарбия соҳасида юксакка эришган сиймолардан ҳисобланади. Бунинг исботи Амир Темур яратган одоб-ахлоқ оид ўғитлари, панд-насихатлари, ҳамда, сохибқирон ҳақидаги ёзилган тарихи манбаларни, асарларни ўқиб чиқиш етарли. Жаҳонга машхур «Темур тузуклари»асарида Амир Темурнинг ибратли, ҳаётий тажрибалари, қимматбаҳо насихатлари, фикрларнинг аниқ, теранлиги, таъсирчанлиги яққол кўзга ташланади ва инсонни хушёрликка чақиради. Инсонни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашда ҳам маҳала, оила ва мактабгача таълим ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга. Мактабгача таълим ташкилоти билан мактаб ўртасидаги ҳамкорлик ҳам болаларнинг узлуксиз таълим олишини гаровидир. «Бешиқдан то қабргача илм изла» деган мақол асосида катта гап бор. Ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият қўрғони бўлган маҳалла ва маҳалла орқали оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланишини истардик. Ўзбек оиласи тарихи узоқ-узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ҳатто «Авесто»да ҳам бола тарбиясида жамият ва оиланинг роли, тутган ўрни, улуғвор вазифалари ҳақида сабоқ берилади. Шунингдек, муқаддас китобларда фозилу фузалоларимиз, донишмандларимиз ўғитларида оила жипслиги софлиги, унинг жамиятдаги мавқеи равшан кўрсатилган. Бугунги кунда ҳар бир оиланинг жамиятда тутган ўрни, ҳаёт мазмуни, миллий қадриятларни ўрганиши инсон маънавиятига хизмат қилади. Бунга эришиш учун авваламбор, оилада бола тарбиясини тўғри ташкил этиш, унда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, чуқур билим ва юксак масъулият талаб этади. Инсон ҳаёти, жумладан ўсиб улғайиб келаётган навқирон авлод ҳаёти ва фаолиятининг асосий даври оилада ўтади. Демак, оила жамиятнинг дастлабки бўғини экан, болалар аввало тарбия сабоғини уйда, бобо – буви ва ота – онасидан олади. Шунга кўра ақлий, жисмонан ва маънавий жиҳатдан камол топади, дунёқараши шаклланади. Ватанга, эл-юртга ҳурмат каби одамийлик белгилари дастлаб оилада юзага келади. Оиладаги тўғри тарбия

дастлаб ота-онанинг намунали, уларнинг ўзаро илиқ ва самимий муносабатлари орқали амалга оширилади. Оиладаги ота-она ва бошқа оила аъзоларининг бадий асарларни ўқиши, маънавий-маърифий кўрсатувларни кўриши ҳамда уларга оилавий муносабатларини билдириши ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этади. Маълумки, инсоний муносабатларни болалар дастлаб оилада, кейинчалик маҳаллада, мактабгача таълим ташкилотида ва сўнгра мактабда ўрганади. Оила, маҳалла ва мактабгача таълим ташкилоти - болалар тарбиясининг муҳим ўчоқлари саналади. Тарбиянинг мазмуни энг яхши ўзбек оилаларида амал қилган ва амал қилаётган тарбиянинг мазмуни ҳамда давлат ва жамият томонидан оила – мактабгача таълимдан келиб чиқади³. Бундай долзарб мураккаб иш мактабгача таълим ташкилотлари билан оила, маҳалла амалга оширадиган ягона, яхлит тарбия тизими мавжуд бўлгандагина ижобий натижа беради. Бу тасодифий ҳам эмас, албатта. Чунки оила билан жамият бир-биридан ажралмасдир. Болаларни мактабгача таълим ташкилотларида ва оилада тарбиялашнинг бутун тизими болаларни хар хил ҳаётий ҳодисалардан ажратган ҳолда уларда яхши ва ёмонни фарқ қилишни, ёмонга қарши тура олиш қобилиятини тарбиялашга йўналтирилган бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Сифатли мактабгача таълим-бола келажагининг пойдевори”Т.: 2014 й 146
- 2.Ф.Қодирова ва бошқалар.”Мактабгача педагогика”-Т.:”Маънавият” 2013 йил, 160 б
3. «Мактабгача ёшдаги болалар таълим тарбиясини такомиллаштиришнинг муаммо ва ечимлари» мавзусидаги ЖДПИ нинг республика илмий-амалий анжуманнинг мақолалар тўплами.-Жиззах “Иқтисод молия” 2009 йил ,211б

³ «Мактабгача ёшдаги болалар таълим тарбиясини такомиллаштиришнинг муаммо ва ечимлари» тўплами.: Жиззах “Иқтисод молия” 2009 йил ,211б

4. Н. Meliev, Sh. Buranova // The continuity of neighborhood, family and preschool educational organization as a condition of successful adaptation to school life//.Дата публикации 2020/7/15, Журнал Journal of critical reviews, Том 7, Номер11, Страницы 2690-2697.

https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=arRIOloAAAAJ&citation_for_view=arRIOloAAAAJ:qjMakFHDy7sC

5.Ш.Буранова // Развитие преемственности махалли, семьи и дошкольного Образовательного учреждения//. Дата публикации 2019/5/17 // Материалы Международной научно-практической конференции на тему: Достижения женщин в области науки, образования, культуры и инновационных технологий //, Том 2, Страницы 175-180.

https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=arRIOloAAAAJ&citation_for_view=arRIOloAAAAJ:UeHWp8X0CEIC